



ARTICLE INFO

Received: 22nd October 2022
Accepted: 01st November 2022
Online: 02nd November 2022

KEY WORDS

Фавқуллодда вазиятлар, аҳолини тайёрлаш, Исроил, Испания, Германия, Америка қўшма штатлари, Малайзия, Япония, Франция, Туркия.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги кенг миқёсли табиий офатлар ва ҳалокатларнинг (зилзила, цунами, сув тошқини ва ҳ.к.) оқибатларини бартараф этиш тажрибасига кўра, уларнинг оқибатларини юмшатишнинг энг яхши ечими – бу аҳолининг фавқуллодда вазиятларда ҳаракат

EMAN DARAXTI KO'CHATLARINI URUG'DAN KO'RAYTIRISH

¹Қувондиқов.А

¹ФМИ доценти,

²Тинибеков.М

²ФМИ ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273797>

ABSTRACT

Одамлар учун зарур бўлган эҳтиёжлардан бири бу ўзининг хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Ҳар бир киши ўз хавфсизлигини таъминлаши учун фавқуллодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёр туриши, бу борада маълум билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Республикамизда инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини фавқуллодда вазиятларга тайёрлаш, ҳаёт хавфсизлигини ўқитиш ишларига катта эътибор берилаётганлигига қарамасдан бу ишларни янада такомиллаштириш фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун эса хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, улардан энг фойдали, республикамизда жорий этиш муҳим бўлган жиҳатларини олиш муҳим масала ҳисобланади.

Маълумки, хорижий давлатларда аҳолини фавқуллодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш масаласига катта эътибор берилади ва бу борада тизимли ишлар амалга оширилади. Бу ишлар айниқса Исроил, Испания, Германия, Америка қўшма штатлари, Малайзия, Япония, Франция, Туркияларда яхши йўлга қўйилган.

Мақолада ушбу давлатларда аҳолини фавқуллодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тартиби ёритилган.

қилишга тайёргарлигини ошириш ҳисобланади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида аҳолини фавқуллодда вазиятларда (ФВ) ҳаракат қилишга тайёрлаш ва уларнинг бу борадаги кўникмаларини ошириш масалаларига катта эътибор қаралади ва бу борда тегишли меъерий ҳуқуқий ҳужжатлар



ишлаб чиқилган [1]. Ҳозирги кундаги мавжуд бўлган аҳолини ФВда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳолида ФВда ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида бир қатор хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибалари ўрганилди.

Жумладан, **Исроил** давлати тажрибаси ўрганилганда, унинг ўзига хос жиҳатларидан бири фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш бўйича вазифалар Исроил Фронторти Қўмондонлиги зиммасига юклатилган бўлиб, ФВларни олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, барча вазирлик ва идоралар фаолиятини ФВлар содир бўлганда мувофиқлаштириш вазифалари юклатилганлигидир.

Мазкур мамлакатда ФВда ҳаракат қилиш бўйича аҳоли 5 тоифага бўлган ҳолда тайёрланади. Исроил аҳолисини ФВларни олдини олиш ва уларда ҳаракатланиш бўйича машғулотлар, асосан, мактаб давридан бошланади. Ҳар бир ўқув йили давомида 5 босқичли амалий тайёрлаш машғулотлари ўтказилади. Бу эса таълим олувчиларнинг ҳаракат қилиш бўйича кўникмаларнинг ёдда қолишига катта ёрдам беради. Олий ўқув юртлари ва иш жойларида ҳам бир йилда камида бир маротаба ФВда ҳаракат қилиш бўйича амалий машғулотлар олиб борилади. Бундан ташқари, имконияти чекланган аҳоли рўйхати ҳам юритилиб, уларни тайёрлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Исроилда ўқувчиларни тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, мактаблар хавфсизлик

тизимини лойиҳалаштирадиган, ишлаб чиқадиган ва ўрнатадиган компаниялар билан шартнома тузишади. Компания мутахассислари мактаб маъмуриятини, ўқитувчиларни ўқитади ҳамда мактаб ўқувчиларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўрганади.

Бундан ташқари Исроил мактабларида махсус факультатив курслар ташкил этилади. Қуйида Исроил мактабларида кенг тарқалган курсларни келтирамиз [5]:

1. “Мудофаа” факультатив курси:
 - 1) Ўз-ўзини ҳимоя қилиш;
 - 2) Фавқулодда вазиятларда ҳаракат;
 - 3) Кутилмаган вазиятларда психология;
 - 4) Мактабда ва ундан ташқарида фавқулодда вазият.
2. “Хавфларда ҳаракат” факультатив курси:
 - 1) Табiiй хавфлар;
 - 2) Криминал ҳолатларнинг олдини олиш;
 - 3) Террор (вандализм);
 - 4) Халқаро террор;
 - 5) Биринчи тиббiiй ёрдам.
3. “Ёш полициячи” тўғараги:
 - 1) Жабрланганга биринчи тиббiiй ёрдам кўрсатиш;
 - 2) Полициячи ва фуқароларнинг ҳуқуқлари;
 - 3) Ўз-ўзини ҳимоя қилиш асослари;
 - 4) Полициянинг қуроллари.

Испанияда эса, ФВларни олдини олиш ва уларда ҳаракатланиш бўйича тадбирлар Испания Ички ишлар вазирлиги таркибидаги Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар Бош бошқармаси зиммасига юклатилган. Аҳолини ФВларда ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича эса мазкур Бош бошқарма қошида 1989 йили



Мадридда ташкил этилган Servicio de Asistencia Municipal de Urgencia y Rescate (SAMUR) зиммасига юклатилган. Мазкур хизматнинг 700 та малакали ходимлар ҳамда уларга кўмаклашувчи 2000 дан ортиқ кўнгилли аъзолари бўлиб, улар томонидан мунтазам равишда ўқув машғулоти, тренинглари ўтказиб борилади. Мамлакат сеймик фаол ҳудудда жойлашганлиги сабабли SAMURнинг асосий вазифаси аҳолини зилзила вақтида ҳаракат қилишга ўргатишдан иборат ҳисобланади [3,6].

Малайзияда эса асосий хавф сифатида цунами ва зилзилаларга эътибор қаратилади. Мазкур йўналишда асосий жавобгарлик Малайзия Метеорологик хизмати зиммасига юклатилган бўлиб, мазкур давлатда аҳолини ФВда ҳаракат қилишга тайёрлашдан кўра, уларни юз бериши мумкин бўлган ФВлардан хабардор қилишга асосий эътибор қаратилади. Шунингдек, мамлакатга цунами келиши хавфи юқори бўлган жойлар видеокузатув ёрдамида назорат қилиб борилади ҳамда хавф юзага келганда телевидение, радио, электр сиреналар ва ҳозирда оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқлар воситасида хабар беришдан кенг фойдаланилади.

Туркияда мазкур вазифаларга жавобгарлик Фавқулодда вазиятларда бошқарув Маъмурияти зиммасига юклатилган. Бундан ташқари, йирик турдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда Бош вазир бошчилигида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилади. Шунингдек, Туркияда аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлашда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Жумладан, телевидениеда ФВларда

ҳаракат қилиш, улар тўғрисида эшиттиришлар олиб бориш йўлга қўйилган. Бундан ташқари, янгиликларни эшиттириш чоғида экран остида титр кўринишда ҳам маълумотлар бериб борилади. Шу билан бирга, Туркияда ФВларга доир маълумотлар бериб борилиши учун алоҳида радиотўлқин ажратилган. Мазкур радиотўлқин орқали аҳолини ФВга оид билимларини мустаҳкамлашдан ташқари, уларни ФВлар содир бўлганда огоҳлантириш, хавфсиз ҳудудларга кўчириш ишларини ҳам амалга оширишга хизмат қилади.

Туркияда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш олий ўқув юртлари қошида ташкил этилган махсус курсларда ҳамда ФМ ўқув марказларида амалга оширилади. Бундан ташқари йирик шаҳарларда 15 соатли махсус курслар ташкил этилган [7,10].

Японияда ҳам, ФВ оқибатларини бартараф этиш вазифаси Ёнғин хавфсизлиги хизматига юклатилган. Мавжуд маълумотларга кўра, Япония профессионал ЁХХ ходимлари сони 155 минг, кўнгиллилар сони эса 920 минг нафарни ташкил этади. ЁХХ ходимларини тайёрлаш Ёнғин хавфсизлиги ва ФВларни бартараф этишни ўргатувчи марказда, аҳоли ўртасида кўнгиллиларни тайёрлаш бўйича алоҳида марказ фаолият юритади. Шунингдек, кўнгилли қутқарувчилар қутқарув ишларига жалб қилинишидан олдин 2 ойлик махсус ўқув курсларида малака оширадilar. ФВ оқибатларини бартараф этиш учун Япония ҳукумати қарорига мувофиқ, Мудофаа кучларини ҳам жалб этиш мумкин. ФВ содир бўлган ҳолларда



Мудофаа кучлари таркибида доимий тайёр турадиган, ФВда ҳаракатланиш бўйича махсус билимга эга бўлган бўлинма (таркиби 2700 киши) жалб этилади. Мазкур бўлинма аъзолари Япониядаги махсус ўқув курсларида малака ошириб борадилар. Бундан ташқари, Мудофаа кучлари катта турдаги ФВ оқибатларини бартараф этиш учун ҳам тўлиқ жалб этилиши мумкин. Шунингдек, Япония ҳукумати томонидан 2015 йилда 4 млрд. АҚШ долл. миқдордаги маблағ ФВларни камайтириш ва уларни олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик ва мазкур соҳада фаолият олиб боровчи 40 мингга яқин бир қатор давлатлардаги шу соҳадаги мутахассисларни тайёрлашга ажратилган.

Японияда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ишлари мактаб давриданоқ бошланиб, катта бўлганда ҳам давом эттирилади. Мактабларга ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фани киритилган бўлса, катталар ишхоналарида компаниялар томонидан ўтказиладина машқларда иштирок этиб боришади [8].

АҚШда 1979 йили Фавқулодда вазиятларни Бошқариш Федерал Агентлиги (The Federal Emergency Management Agency, FEMA) тузилган бўлиб, мазкур агентликнинг асосий вазифаларига фавқулодда вазиятларни олдини олиш, аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш ҳамда уларнинг фавқулодда вазият содир бўлган жойдан хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ишларини амалга ошириш юклатилган. АҚШ тажрибасининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу фавқулодда вазиятларни олдини олишдан кўра кўпроқ

эътиборни фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга қаратилади [4].

Шу билан бирга, АҚШда ФВларни бартараф этишда ҳар бир штат губернатори бўйсунувидаги Миллий гвардиянинг алоҳида ролини таъкидлаш лозим. Мазкур гвардия, тинч даврда жамоат тартибини сақлаш, давлат тасарруфидаги ташкилот ва корхоналарининг тинч фаолият олиб боришини таъминлаш билан бирга турли хилдаги ФВларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш вазифасини ҳам бажаради. Миллий гвардиянинг ходимлари эса FEMAнинг ўқув марказларида малака оширишлари йўлга қўйилган.

FEMA томонидан Миллий гвардия ходимларини ўқитишдан ташқари аҳоли билан турли хил семинарлар, тренинглар ўтказиб бориш йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчилари билан алоҳида амалий машғулотларни олиб бориш жорий этилган. Бундан ташқари, FEMA томонидан аҳолини огоҳлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, 1994 йилдан ФВларда огоҳлантириш умуммиллий тизими (Emergency Alert System EAS) йўлга қўйилган. Мазкур тизимга мувофиқ, маҳаллий телеканаллар, радиотўлқинлар ҳамда уяли алоқа операторлари ФВ ёки бошқа турдаги хавфлар тўғрисида сигнал келиб тушгандан сўнг бу тўғрисида аҳолига зудлик билан хабар қилиш мажбурияти юклатилган [6,9].

Германияда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш вазифаси Ёнғин хавфсизлиги хизматининг (Bundesanstalt Technisches Hilfswerk)



ходимлари зиммасига юклатилган. Ёнфин хавфсизлиги хизмати (ЁХХ) ўз навбатида фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишни қамраб олади. Германия ЁХХнинг шахсий таркибининг 99 % қисми кўнгиллилардан ташкил топган.

Таъкидлаш жоизки, Германияда ёнфин хавфсизлиги хизматларини давлат миқёсида бирлаштирувчи ягона тузилма мавжуд эмас. Бундай вазифа бундестландлар зиммасига юклатилган. Шу боис, хизматларнинг молиялаштирилиши, ходимлар сони, ўз сафларига кўнгиллиларни жалб қилиш бўйича умумий тартиб мавжуд эмас. Бу борада Германияда ёнфин хавфсизлиги билан шуғулланувчи мавжуд барча бирлашмалар манфаатларини нодавлат бирлашма - Ёнфин хавфсизлиги уюшмаси (Deutscher Feuerwehrverband ёки DFV) қўллаб-қувватлайди. Ҳозирги кунда профессионал ёнфин хавфсизлиги ходимлари сони 27 минг нафарни ташкил қилади. DFV уюшмасига аъзо кўнгилли ходимлар эса 1 млн.дан ортиқ кишини ташкил этади.

ГФРда ФВларнинг оқибатларини бартараф этишга жалб қилинган DFV рўйхатидан ўтган ҳар бир кўнгиллилар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Бундан ташқари, ФВларни бартараф этиш учун жалб этилган давр мобайнида уларнинг ойлик маошлари ўзгармасдан қолишини кафолатлайди [10].

Франция тажрибаси ўрганилганда, мазкур мамлакатда аҳолини ФВларни олдини олиш ва ҳаракат қилишга тайёрлаш тизими марказлаштирилмаган ҳолда олиб борилиши, яъни ҳар бир регион ва

департаментлар томонидан мустақил равишда фаолият юритиши аниқланди. Мамлакат бўйлаб барча департаментлар қошида қутқарув тузилмалари ташкил этилган бўлиб, аксарият қутқарувчилар кўнгиллилардан иборат. Йирик турдаги ФВлар содир бўлганда ҳудуд мери ёки мамлакат Бош вазири томонидан фавқулодда вазият эълон қилинади ва дарҳол маҳаллий ёки мамлакат миқёсидаги телевидение ва радио (France Inter ва France Info)ларга хабар берилади. Шу билан бир қаторда Францияда жами 20 мингдан ортиқ электр сиреналар мавжуд бўлиб, аҳолини хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш ёки уларни ФВ тўғрисида ҳабардор қилиш учун мўлжалланган. Буларга раҳбарлик қилиш ФВнинг тури ва ҳажмига қараб ҳудуд мери ёки мамлакат Бош вазири томонидан фойдаланишга кўрсатма берилади [2]. Хулоса қилиб айтганда, дунёда турли табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар сони тобора ортиб бораётган шароитда уларни бартараф этишдан кўра, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида аҳолининг тайёргарлигини ошириш, уларда ФВда ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни, янги технологияларни жорий этиш орқали аҳоли тайёргарлиги ва кўникмаларини ошириш ҳамда уларга фавқулодда вазиятлар тўғрисида тезкор хабарлар етказишни тақозо этмоқда. Буларнинг натижаси аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятларда жабрланишларнинг олди олиниши ва



уларнинг мол-мулкларига зарар миқдорини камайтиришга хизмат қилади.

Чет мамлакатларда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлили асосида шуни қайд этиш керакки, хорижий давлатларда ташкил этилаётган факультатив курсларнинг фаолиятини

ўрганиш ва республикамизда ҳам шундай курслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Фавқулодда вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш учун хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори.
2. Харкевич Л.А. Концептуальные основы в области гражданской обороны и защиты от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера. –Тамбов:. 2009.
3. https://en.wikipedia.org/wiki/Servico_de_Assistencia_Municipal_de_Urgencia_y_Rescate.
4. [https://en.wikipedia.org/wiki/Федеральное_агентство_по_управлению_в_чрезвычайных_ситуациях_\(США\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Федеральное_агентство_по_управлению_в_чрезвычайных_ситуациях_(США)).
5. <https://www.fcc.gov/consumers/guides/emergency-alert-system-eas>.
6. <https://dokumen.pub/0fee4a56f758a5dcc7825cbf3f7801db.html>.
7. http://factmil.com/publ/strana/turcija/sostojanie_i_perspektivy_perspektivy_razvitija_grazhdanskoj_oborony_tureckoj_respubliki_2015/29-1-0-729
8. https://vogazeta.ru/articles/2018/3/28/international/2588-yaponskiy_sposob_vyzhivaniya
9. Фалеев М.И. Образование как системообразующий фактор снижения рисков чрезвычайных ситуаций // Технологии гражданской безопасности. Вестник ФЦ ВНИИ ГОЧС. — М.: Изд-во «Куна», 2004.— № 3(5). — С. 20-22.
10. Чеботарев С.С. Роль научно-образовательной деятельности вузов в решении проблем безопасности современного общества.